

Педагог касбий компетентлигининг шаклланиш.

Эшонқулов Шаҳзод Рашид ўғли

ЖДПИ Жисмоний тарбия ва спорт машғулоти

назарияси ва методикаси кафедраси 1-босқич магистранти

Аннотация

Ушбу мақолада педагог касбий компетентлигининг шаклланиши хақида фикр юритилган.

Аннотации

В данной статье рассматривается формирование профессиональной компетентности учителей.

Annotation

This article discusses the formation of professional competence of teachers.

Таянч сўзлар: касбий таълим, англаш, компонент, узвий бирликда, яхлитликда, мулоқот хусусиятлари, концептализация, профессионализм, тарбиячининг компетентлиги, ташхисий харита.

Ключевые слова: профессиональное образование, информированность, компонент, интегральное единство, целостность, коммуникативные особенности, концептуализация, профессионализм, компетентность педагога, диагностическая карта.

Key words: professional education, awareness, component, integral unity, integrity, communication features, conceptualization, professionalism, educator competence, diagnostic map.

Бизнинг фикримизча, педагогнинг касбий таълимнинг/тайёрлашнинг мотивацион компонентлари маъно-мазмун шакллантириш жиҳатлари билан бевосита боғлиқ ва касбий компетентликни шакллантириш билан бирга келади, тўғрироқ айтилса, ушбу жараён давомида унинг имплицит асоси ҳисобланади. Буни муаллифларнинг нуктаи назарлари билвосита

тасдиқлайди: педагогни тайёрлашдаги асосий мақсад - дастлаб англашга/тушуниб етишга ёрдам бериш, яъни рағбатланганликни шакллантириш, сўнг эса компетентликни эгаллашга, яъни уни шакллантиришга ёрдам беришдан иборат. Бинобарин, профессиографиянинг психологик компоненти педагог касбий компетентлигининг процессуал-фаолиятга асосланган ва ижобий натижа берувчи/самарали компонентлари билан узвий бирликда/яхлитликда мавжуд (бўлади). Муаллифлар келтирилган нуқтаи назарларининг/позицияларининг шубҳасиз қиймати уларда педагогнинг касбий компетентлигини шакллантиришнинг компетентлари ва босқичлари ажратиб кўрсатилганлиги, мантик ўрнатилганлиги, ва унга амал қилиб компетентликнинг шаклланганлигининг юқори даражаларига эришиш мумкинлиги кўрсатилганлигидан иборат.

Шундай қилиб, касбий компетентлик тизимида қуйидаги блокларни ажратиш мумкин: педагогнинг шахси, ўзаро фаолият ва мулоқотнинг процессуал хусусиятлари, ижобий натижа берувчи/самарали блок (В.И. Зверева, И.А. Зимняя, А.К. Маркова ва бошк.). У ёки бошқа кўринишда, бу компонентлар педагог компетентлигининг профессионал (В.А. Адольф, Ю.В. Варданян, Н.В. Кузьмина, А.К. Маркова, G. Harvard, P. Hodkinson, I. Jamieson, K.M. Zeichner), психологик ва педагогик (М.И. Лукьянова,), аутопедагогик (О.М. Шиян), коммуникатив/мулоқот (Д.Ю. Осягин) моделларида келтирилган, жумладан мактабгача таълим соҳасида (Г.И. Захарова, Н.Л. Московская, Н.Н. Нацаренус, Н.В. Остапчук). Олима И.А, Зимняя педагог шахсининг умумлаштирилган тавсифини/характеристикасини касбий компетентлик структурасида таклиф этади: у олимлар П.Ф. Каптерев, Н.В. Кузьмина, А.К. Марковаларнинг нуқтаи назарларини/позицияларини бир бирига таққослайди ва келтирилган блокларнинг мазмуни орқали (қаранг: 4-расм, 46 б.) педагогнинг касбий компетентлигининг психологик-педагогик хусусиятларини очиб беради.

Моделнинг бундай батафсил, кенгайтирилган кўриниши унинг бир

катор камчиликларини қайд қилиш имконини беради. Хусусан, муаллифлар касбий компетентликни шакллантиришнинг бошланиши ва якуини кўрсатишмайди ва, бу жараён кўрсатилган босқич ва компонентларнинг ҳар қандайдан бошланиши мумкинлигини таъкидлайдилар. Рағбатланганлик/мотивация педагог профессиографиясининг асосий элементи сифатида касбий компетентликнинг ўрганилаётган блокларида муносиб акс этирилмайди. Муаллифларнинг таъкидлашича, концептализация (тушуниб етиш, фикрлаш) касбий таълим/касбга тайёрлаш ва педагогнинг касбий компетентлигининг шаклланганлигининг натижасидир. Педагогнинг касбий компетентлигини мазмунли (мазмун жихатдан) тавсифлашга ўтишдан олдин касбий компетентлик намунавий кўрсаткичлари [17, 58-60 б.], И.К. Шалаевнинг педагог фаолияти профессионализмининг ташхисий харитаси [253, 186-194 б.], О.М, Краснорядцева, В.Е. Морозованинг тарбиячининг компетентлигига кўйиладиган талаблар ҳажми [104], муалифнинг хорижий (инглиз) тилга эрта ўқитиш соҳасидаги мутахассиснинг касбий компетентлиги борасида ўтказган тадқиқотини (қаранг 3 - Илова 3) ва бошқа бир қатор тадқиқотларни ҳисобга олган ҳолда [23; 31; 58-59; 62; 172] биз педагогнинг касбий компетентлигининг шаклланишининг асосий омилларини структурасининг/тузилмасининг ташкил этилиганлик мантиғини ва унинг шаклланиши ва ривожланишини белгиловчи омилларни аниқлаш лозим. Умумий педагогик моделларни таҳлил қилиш асосида: Е.И. Роговнинг ўқитувчи шахсининг профессионализацияси макони [194, 10 б.], Е.И. Пассовнинг методик маданият схемаси ва методик маҳоратнинг генезиси (келиб чиқиши) [175], М.К. Тутушкинанинг ўқитувчи фаолиятида ижодий жараёнининг психологик модели [184], И.А. Зимняя, А.К, Марковаларнинг касбий компетентликнинг умумлаштирилган модели; олий таълим муассасаси талабалари компетентлигининг моделлари: М.П. Боброванинг мактабгача таълим муассасаси педагогининг қайд этувчи умумлаштирилган моделини келтирамыз.

Адабиётлар:

1. Зимняя И.А. Педагогическая психология. - Ростов на Дону: Феникс, 1997. - 480
2. Маркова А.К. Психология профессионализма. - М.: Дело, 1996. - 308 с.

3. Мищенко А.И. Введение в педагогическую профессию. - Новосибирск, 1991.-

4. Hamrayeva, A. (2021). Ta'lim jarayonini tashkil etishga nisbatan texnoloik yondoshuv.

Мактабгача таълим журнали.

5. Hamrayeva, A. (2021). Педагог тарбиячиларда компетентликни ривожлантириш. *Мактабгача таълим журнали*, 3(Preschool education journal).

РЕЗЮМЕ

Мазкур мақолада педагог касбий компетентлигининг шаклланиши хақида фикр юритилган. Шунингдек мақолада концептуализация, тушуниб етиш, фикрлаш касбий таълим, касбга тайёрлаш ва педагогнинг касбий компетентлигининг шаклланишининг масалалари атрофлича ёритиб берилган.

РЕЗЮМЕ

В данной статье рассматривается формирование профессиональной компетентности учителей. Также в статье освещены вопросы концептуализации, понимания, мышления в профессиональном образовании, профессиональном обучении и формировании профессиональной компетентности педагога.

SUMMARY

This article discusses the formation of professional competence of teachers. The article also covers the issues of conceptualization, understanding, thinking in vocational education, vocational training and the formation of professional competence of the teacher.